

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАКС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ
КАФЕДРА: САЊАТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ
ФАН: ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ ТАРИХИ

Мустакил иш

Мавзу: Розия Каримова ҳаёти ва ижоди



**Топширди: 3-курс талабаси
Санъатшунослик
Амантурдиева Зарина**

Кабул килди: Низамутдинова М

Тошкент 2017

Режа:

1. Розия Каримова – раққоса сифатида шакилланиши
2. Розия Каримованинг устозлари
3. х. х. ниёзий номли санъат институти консултати.

Розия Каримова ҳаёти ва ижоди.

(1916 -2010)

Розия Каримова ўзбек балет актрисаси, раққоса, балетмейстер ва хореограф.

Ўзбек балет актрисаси, раққоса, балетмейстер ва хореограф Розия Каримова 1916 йилда Қозонда туғилган. Самарқанддаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театри студиясида таълим олиб, 1930 йилдан шу театрда ўз фаолиятини бошлади ва лирик рақслар билан бир қаторда драматик ролларни ҳам ижро этди.

Анорхон (К. Яшин, «Ўртоқлар», 1932), Асал (К. Яшин «Гулсара» 1935), Осиё (У. Ҳожибеков, «Ариш мол олон», 1936) каби образлар актриса ижодининг илк маҳсулидир. Шундан сўнг, 1934—1949 йилларда Тошкентдаги мусиқали театрда, 1949—1953 йилларда Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрида Гуландом (Е.Брусиловский, «Гуландом»), Оқбилак (С. Василенко, «Оқбилак»), Фраскита (Ж.Бизе, «Кармен»), Кумуш (М. Ашрафий, С. Василенко, «Бўрон») каби партияларни ижро этиб, «Ўртоқлар», «Бўрон», «Гулсара», «Улуғбек», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби опера асарларидаги рақсларни саҳналаштирди ва ўзи улардаги ёлғиз (яккахон) ўйинларни ўйнади.

Шунингдек, Комил Яшиннинг «Ўртоқлар» операсидаги рақсларни Олма ота театрида саҳналаштирди. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма ва комедия театрида балетмейстер, 1935—1960 йилларда шу театрда яккахон раққоса бўлиб, «Нурхон», «Фарҳод ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор», «Тоҳир ва Зухра», «Офтобхон», «Оқ нилуфар», «Зафар» ва бошқа бир қатор спектакллардаги рақсларни саҳналаштирди ва улардаги яккахон рақсларни моҳирона ижро этди.

Розия Каримова «Андижон самоси» (ялла), «Катта ўйин», «Гул ўйин», «Сафти уфори» ва бошқа миллий рақсларни ҳам ниҳоятда нозик дид ва

нафислик билан ўйнаган катта истеъдод соҳибидир. У Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги хотин-қизлар ансамбли сафида 1942 йилда Эронда, 1943 йилда Шимоли-ғарбий фронтларда бўлиб, маданий хизмат қилди.

У нафақат истеъдодли раққоса, балки моҳир педагог ва рақс санъатининг назарий, амалий масалалари билан жиддий шуғулланган йирик тадқиқотчи олима ҳамдир. 1932 йилдан Ўзбекистон Давлат хореография билим юртида педагог, 1964 йилдан Ҳамза номидаги Санъатишунослик институтида илмий ходим сифатида ўзбек рақс санъатининг муҳим масалалари устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориб «Фарғона рақслари», «Бухоро рақслари», «Равия Отажоновна рақслари», «Баҳор» ансамбли рақслари», «Доира зарбларига машғулот», «Ўзбекистон рақслари» каби ўндан ортиқ китоблар ва ўқув қўлланмалар, мақолалар яратди. Розия Каримова кўплаб раққосаларни тарбиялашдек шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Бернора Қориева Ўғилой Мухамедова, Раъно Низомова, Иброҳим Йусупов, Дилафруз Жабборовна, Шокир Аҳмедов, Дилбар Абдуллаева, Карима Узоқова, Сивилия Тангуриева, Инна Киркова, Муҳаббат Абдуллаева, Қодир Мўминов каби раққоса ва раққослар унинг шогирдларидир.

Унинг бу хизматлари эътиборга олиниб, мустақиллигимиз шарофати билан унга фахрий санъатишунослик доктори (номзоди) илмий даражаси берилган.

Розия Каримова «Ўзбекистон халқ артисти» (1950) унвони, Ўзбекистон Давлат мукофоти (1983), Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофот (1994) соҳибидир. Шунингдек, 1998 йилда у «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

Ижро этган образлари:

- *Анорхон (К. Яшин, «Ўртоқлар», 1932);*
- *Асал (К. Яшин «Гулсара» 1935);*
- *Осийо (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон», 1936);*
- *«Нурхон»;*
- *«Фарҳод ва Ширин»;*
- *«Равшан ва Зулҳумор»;*
- *«Тоҳир ва Зухра»;*
- *«Офтобхон»;*
- *«Оқ нилуфар»;*
- *«Зафар»;*
- *«Андижон самоси» (ялла);*
- *«Катта ўйин»;*
- *«Гул ўйин»;*
- *«Сафти уфори».*

Яратган ўқув қўлланмалари:

- «Фарғона рақслари»;
- «Бухоро рақслари»;
- «Хоразм рақслари»;
- «Равия Отажоновна рақслари»;
- «Баҳор» ансамбли рақслари»;
- «Доира зарбларига машғулот»;
- «Ўзбекистон рақслари»;
- «Ўзбек аёллар якка рақслари».

Унвонлари:

- «Ўзбекистон халқ артисти» (1950);
- Ўзбекистон Давлат мукофоти (1983);
- Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофот (1994);
- «Эл-йурт ҳурмати» ордени (1998).

Адабиётлар

1. Ўзбек маданият намоёндалари.
2. Ўзбек рақс санъат тарихи.
3. О. И. Широкая. Тамарахоним. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973
4. М. Ахмедов. Исоҳор Оқилов. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975